

ТОШКЕНТ

ОКШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП
ТОШКЕНТ ШАХАР
КОМИТЕТИ ВА
ТОШКЕНТ ШАХАР
СОВЕТИНИНГ
ОРГАНИ

№ 274 (4969).
6
ДЕКАБРЬ 1982 й
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлад.
Баҳоси 3 тиён.

МОНГГУ
газеталарда

● СССР 50 йиллиги номи Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи корхонанинг қирқ йиллиги юбилейини нишонлади. Ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари, кўнгина меҳмонлар 3 декабрь кунини шонли санами нишонлаш учун бирлашма маданият саройига келдилар. Қўрақларида қўллаб-қўллаб орден ва медаллар торлаб турган нурувий ветеранлар йиллиги президиумидан жой оладилар. Улар ўша оғир 1942 йилда фронт учун ўқдорли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, заводга асос солган, сўнгра цехларини қайта жиҳозлашда иштирок этган.

озик-овқат ва пахта тозалаш саноати учун асбоб-ускуналар, пахтани қоп-қанорени ташини учун прицеплар тайёрлаб берган кишилардир. Йиллиги қатнашчилари бирлашма коллективи бундан буён ҳам мамлакат пахтакорлари учун юксак сифатли машина-механизмлар ишлаб чиқариш йўлида қатъий билан кураша берадилар. КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар деб ваъда бердилар. Йиллиги Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди. ● Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1982 йилги Ўзбекистон Ленин

комсомол мукофоти лауреатлари унвонига сазовор бўлган ёзувчилар, rassomлар ҳамда артистларга 3 декабрь кунини Тошкентда нишонлар ва дипломлар тантанали вазиятда топширилди. Фахрли мукофотларни партия ва меҳнат ветеранлари, таниқли адабиёт ва санъат арбоблари топширдилар. Мукофотларни топшириш маросимида СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Жонбеков иштирок этди. Лауреатлар мукофотлар учун миқнатдорчилик билдириб, янги илювий муваффақиятларга эришиш учун бутун кучини, маҳоратини ва истисоддорчиликни сарфлаймиз, деб ваъда бердилар.



ТОШКЕНТ. 1982 йил 4 декабрь. В. И. Ленин номи СССР Халқлари дўстлиги саройи, Ўзбекистон деҳқонларининг катта меҳнат ғалабаси муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Табриқномасига бағишланган тантанали митинг президиуми. Л. Гусенинов фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетида

Ўзбекистон ССР давлатта пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон меҳнаткашларига йўлаган Табриқномасига бағишланган тантанали митингта қатнашган бизлар шонли партияимизнинг ленинчи иттифогидан салом йўллаймиз ҳамда республика деҳқонлари, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатига берилган юксак баҳо учун қизғин миннатдорчилик ва астойдил ташаккур билдираемиз.

Ватан 6 миллион тонна Ўзбекистон пахтасини олди. Бу йилги меҳнат ғалабаси, Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг муваффақиятли ривожланиши билан — Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитетининг доно раҳбарлиги, КПСС тарихий XXVI съезди қарорлари изчиллик билан амалга оширилганлиги натижасидир. Беш йиллик иккинчи йили ҳосили учун кураш пахтачилик тарихига деҳқонлар, барча меҳнаткашлар сабот-мадонати ва қаҳрамонлиги, уларнинг ватанпарварлик ва интернационал бурча содиқлиги раъзи бўлиб киради. Мамлакатимиздаги барча халқларнинг ва аввало улуг рус халқининг бебаҳо ёрдами тўғрисида шундай меҳнат жасорати кўрсатилди, бу эса КПСС аграр сийсати ҳаётини кучининг далилидир.

Мислсиз қийин ғалабага табиат инжиқликларига қарши астойдил оlib борилган фидокорона курашда замин ҳозирланди. «Оқ олтин» ижодкорлари баҳордаги одатдан ташқари жазирама иссиққа, ёздаги буронли шамоллар ва қаттиқ сув таълиғига, кузда ёққан қор ва тўхтовсиз емирларга сабот-мадонати, қаҳрамонона меҳнатни ва юксак маҳоратни қарама-қарши қилиб қўйдилар.

Барча совет кишилари каби республика ишчилари, колхозчилари ва зиеллари ҳам КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ҳамда СССР Олий Совети еттинчи сессияси қарорлари тўғрисида юзага келган зўр сийсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда яшаб, ишламоқдалар.

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг Пленумда сўзлаган гоят сермаамун программ нутқини баланд руҳ билан қабул қилдилар. Бу нутқда партия ички таъши сийсатининг астуал проблемалари кўтариб чиқилган, совет экономикасининг ҳозирги аҳоли атрофида таҳлил қилинган, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўб вазифалари белгиланган, уларни бажариш йўллари ва воситалари кўрсатиб берилган.

Бизнинг партияимиз халқимизни коммунизм қурилишида янги-янги марраларни ағалашга қомил ишонч билан бошлаб бормоқда. Ватанимизнинг иқтисодий ва мудоффа қудратини мустақамлаш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш юзасидан Пленум қарорлари, КПСС Марказий Комитети, унинг Сийсий бюроси собитқадом фаолияти — ленинчи турини йўлиб, КПСС XXVI съезди белгиланган программанинг изчил ва муттасил амалга оширилишидир. Республика меҳнаткашлари Пленум қарорларини янги резервлар ва имкониятларини тинимсиз қидиришга, шу йилги топшириқларини муваффақиятли адо этишга, 1983 йилги ҳамда умуман беш йиллик планини тўла ва ошириб бажаришга қаратилган жанговар ва конкрет ҳаракат программаси деб қабул қилдилар.

Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Табриқномасидан самимий сўзлардан руҳланган республика меҳнаткашлари эришилган марраларини мустақамлаш, деҳқончилик ва чорвачилик жамийи маҳсулотларини еттиштириш янада кўпайтиришни таъминлаш, СССРнинг Озик-овқат программасини бажаришга қўшадиган ҳиссасини ошириш учун ҳамма ишни қиладилар. Пахта еттиштиришни муттасил кўпайтиришни, унинг сифатини оширишни ўзимизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимизни бажаришдаги бош вазифа деб биламиз.

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиеллари ўн биринчи беш йиллик иккинчи йилни муваффақиятли тугаллай туриб партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари белгиланган улугвор режаларни амалга ошириш борасида яна ҳам зўр сабот-мадонат билан ишлашга азму қор бергандилар. Биз КПССнинг доно ички ва таъши сийсатини қизғин ва яқдиллик билан, чин қалбдан маъқуллаймиз ҳамда қўллаб-қувватлаймиз. Бутун дунёда тинчлик, совет кишиларининг бахт-саодати ва фаровонлиги — КПССнинг олий мақсадидир.

Жонажон ленинчи партия теваригага маҳкам жипслашган Ўзбекистон меҳнаткашлари кўпмиллатли социалистик Ватанимизни янада гуллаб яшатиш учун бундан буён ҳам ўзларининг бутун кучи, билимлари ва тажрибасини сарфлай берадилар, деб КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сийсий бюросига ваъда берамиз.

Яшасин улуг Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ ЯРАТАЁТГАН ОЛТИН ҚЎЛЛАРГА ОФАРИН!

Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнатдаги катта ғалабаси муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Табриқномасига бағишланиб Тошкентда ўтказилган тантанали митинг

Ўзбекистон деҳқонларининг олти миллиондан ортиқ ўзбекистон пахтаси давлат хирмоида — деган меҳнат равошти совет халқлари қардошчилигини аёқиб байрам — СССР ташкил этилганлигининг яқинлашиб келаётган 60 йиллигига берилган ғалаба салоти бўлиб янгради. Ҳаддан ташқари қийин об-ҳаво шароитларида мўл-кўл «оқ олтин», дон ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштирилди ва йиғиштириб олинди, юбилей йилнинг социалистик мажбуриятлари шараф билан бажарилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг меҳнатдаги аёқиб ғалаба муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий ва Совет Президиумига ва Министрлар Советига, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига йўлаган Табриқномаси республикада зўр кўнунч тўйғуси билан кутиб олинди. Юбилей вақтасида эришилган муваффақиятларга берилган юксак баҳо республикамизнинг кишлоқ ва шаҳарларидан миллион-миллион меҳнатчилар — ҳосил учун бўлган жангдан актив ва фидокорона қатнашган ҳамма кишилар қалбдан ҳаяжонли акс-садо берди, партия XXVI съезди тарихий режаларини, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш,

жонажон Ватан бойлигини янада кўпайтириш йўлида янги-янги зафарларга руҳлантириб юборди. 4 декабрь кунини Тошкентда В. И. Ленин номи СССР Халқлари дўстлиги саройида шу Табриқнома тўғрисида вужудга келган байрамона завқ-шавқ кайфияти айниқса яққол сезишиб турди. Айни шу ерда, шу йилнинг март ойида Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшираётган пайтда республика меҳнаткашлари олдинга хўжалик ва маданий қурилишининг энг муҳим вазифаларини қўйган эди, бу вазифалар юбилейда социалистик мусобақасининг асосий марраларини белгилаб берган эди. Мана энди шу муносабатида пешқадамлари саройга ўз бурчаларини бажарганликлари учун фахрланиш тўйғуларини

га тўлиб-тошиб келдилар. Йиллигига келганлар қўнунчидан қаҳрамонлик олтин юддузлари, давлатнинг бошқа мукофотлари прожекторлар нурида ялтйради. Машҳур пахтакорлар ва ғалабадорлар, сановат ишлаб чиқаришнинг новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг номояндалари сарой залида ўтиришибди. Сарой сахнасига «6000000» рақами ёзилган. Кўп ойлар мобайнида бу рақам об-ҳаво иқлиқликларига қарши жангга кирган ва эзгу мақсадга эришиш орузси билан енг шимарган миллион-миллион кишилар учун ўзига ҳок машғул бўлиб хизмат қилди. Вугун, юксак маррага эришилган бир пайтда бу рақамда партия давлати билан илювий меҳнат қўчиларига кўтаришган халқнинг баҳодир

рона кучи бамисоли қўзғуда акс этгандек бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг Табриқномасига бағишланган тантанали митингнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмоиҳужаев очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сийсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилди. У гулдўрс давомли қарсақлар остида КПСС Марказий Комитетининг Табриқномасини ўқиб эшиттириди, сўнгра нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг Табриқномаси — жуда катта аҳамиятга эга бўлган, алоҳида маънога тўлиқ ҳужжатдир. Унда Ўзбекистон деҳқонларининг, барча меҳнаткашларининг илҳомбахш меҳнатига юксак баҳо берилган. Табриқноманинг тўқилантирувчи сўзларида КПСС ленинчи Марказий Комитетининг пахтакорлар тўғрисидаги, самимий

шиларнинг бахт-саодати ҳақидаги оталарча ғам-хўрлиги ва эътибори ифода қилинган. Табриқнома Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва бутун аграр саноат комплекс меҳнатчиларини, партия, совет, хўжалик органларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсификашга оид аниқ йўл-йўриқлар билан қуроллантиради.

табриқ сўзлари учун, ишимизга берилган юксак баҳо учун сизларнинг номингадан, сизлар оралида Ўзбекистон деҳқонлари ва барча меҳнаткашлари номидан КПСС ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитетининг Сийсий бюросига сийдиклидан ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

(Давоми 2 бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «В. И. Ленин номидаги Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, туپроқни ихталоғчи технологиялар учун кишлоқ хўжалик машиналари тайёрловчи ишлаб чиқариш бирлашмаси (Целиноградсельмаш), «Гомсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Плавск «Смичка» машина

созлик заводи коллективларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида кишлоқ хўжалиги ва саноатнинг озик-овқат тармоқлари учун ишлаб чиқариладиган машина-ускуналар ва пухталлигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш борасидаги ташаббуси тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда Трактор ва кишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги «В. И. Ленин номидаги Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва туپроқни ихталоғчи технологиялар заводи кишлоқ хўжалик машиналари тайёрловчи ишлаб чиқариш бирлашмаси (Целиноградсельмаш), Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлиги министрлиги «Гомсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Енгил ва озик-овқат саноати ҳамда рўзгор буюмлари машинасозлиги министрлиги Плавск «Смичка» машинасозлик заводи коллективларининг ташаббуси маъқулланди. Бу коллективлар

«Озик-овқат программасига юқори сифатли, пухта ва самарали техника етказиб бериш» деган шпор остида социалистик мусобақани авж олдириб юборган ва 1983—1985 йилларга кишлоқ хўжалиги ва саноатнинг озик-овқат тармоқлари учун ишлаб чиқариладиган машина-ускуналар техника даражаси, сифати ва пухталлиги

ни ошириш ҳамда юксак самарали техника ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида зиммаларига қўшимча мажбуриятлар қабул қилдилар. Иттифоддош республика-юқори қатнашчилари Марказий Комитетларига, Ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат озик-овқат тармоқлари учун машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи барча корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллегияларини КПСС Марказий Комитети 1982 йил май

ва ноябрь Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қондалар ва хулосалар асосида шу машина-ускуналар техник даражаси, сифати ва пухталлигини ошириш юзасидан социалистик мусобақага жалб этиш борасида ташкилотчилик ва сийсий ишлар ўтказиш тавсия қилинди.

Марказий ва маҳаллий газеталарнинг редакцияларида қишлоқ хўжалик ва озик-овқат машинасозлиги, саноат бошқа тармоқлари корхоналари меҳнаткашларини қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатнинг озик-овқат тармоқлари учун юксак самарали машина-ускуналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларни қандай бажараятганликларини мунтазам равишда ёритиб бориш, ишлаб чиқариш илгор коллективлари ва ишхоналари тажрибаларини кенг қўламада пропаганда қилиш вазифаси топширилди.

Навбатдаги тур Тошкентда

БАСКЕТБОЛ

Бундан икки ой муқаддам, баскетбол бўйича олий лигада қатнашган эркаклар командалари навбатдаги чемпионат ўйинини бошлашган эди. Шунини кувончлики, бу йилги масъудда республикамизнинг энг кучли командаси «Университет» ҳам голлибни учун бўлган бахшларда иштирок этмоқда. Хўш, тошкентлик баскетболчилар 50-юбилей чемпионатида қандай иштирок этишмоқда?

Шунини айтиш керакики, шу йилнинг баҳорида олий лигада найтган ҳамшаҳарларимиз учун мавсумнинг бошланиши нисбатда қийин бўлди. Бу қийинчиликларнинг турли сабаблари бор. «Университет» чемпионат бошланиши олдинда бир неча ўйинчилардан маҳрум бўлди. Жумладан, команданинг марказий ҳужумчиси Дмитрий Сухарев Марказий армия спорт клубига кетди. Команда составининг аҳлини такомиллаштирадиган Куйбишев шаҳрида ўтказилган биринчи тур мусобақаларида яққол кўча ташлаб қолди. «Университет» 6 учрашувнинг 5 тасида мағлубиятга учради. Фақат Минск шаҳрининг РТИ командаси билан бўлган учрашувда ўз активига икки очко ёшига муваффақ бўлди. Аммо иккинчи тур бошланиши олдинда тренерлар аҳволини бирмунча яхшилаб олишди. Кейинги пайтда Таллиннинг «Каля» командаси составига қатнашмаган Рашид Абелъюновни яна ўз жонажон клубига қайтаришга муваффақ бўлишди.

Бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, жуда кўп мутахассислар олий лигада қатнашмаган командалар сафини кенгайтириш тарафдорлари эди. Лекин чемпионат давомида командаларни яна ўн инконтингча қолдириш кераклиги маълум бўлиб

қолди. Тошкентдаги Теннис саройида 6-12 декабрь кунлари ўтказилган мусобақалардан кейин ана шу 12 команда маълум бўлди.

Бу тур мусобақалари бутунлай бошқача тартибда ўтказилди. Теннис саройига 6 команда келди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўзaro куч синашмайди. Икки ўқликда баҳс боради. Биринчи гуруҳдаги команда иккинчи гуруҳдаги мағлубиятга учраган команда билан икки марта беллашади. Шу ўринда бир гуруҳдаги командалар нима учун ўзaro беллашмайди, деган савол келиб чиқади. Чунки биринчи босқичдаги уларнинг ўзaro учрашувлари ҳисобга олинади.

Авал айтиб ўтганимиздек дастлабки босқич мусобақаларида «Университет» РТИ командасини мағлубиятга учратиб, Куйбишев шаҳрида ўзининг булажак рақиблари Куйбишевнинг «Строитель» ва «Статба» командаларидан мағлубиятга учради. Аммо Вильнюс шаҳрида ўтказилган иккинчи давра бахшларида ҳамшаҳарларимиз бу коллективларни енгилди.

Шундан қилиб, «Университет» Тошкентдаги учрашувлари икки очко билан бошлаганида, «Статба»нинг активига эса уч очко бор. «Калев» ва «Олмос» командалари эса бир мартадан галабага эришганди.

Тошкентдаги тур мусобақалари нисбатда катта аҳамиятга эга. Командаларнинг имкониятлари деярли тенг. Ҳар бир муваффақиятсизлик жуда қимматга тушиб қолган. Бу командалардан иккинчиси мавсумини биринчи лигада қўйиб қўлади. Шу билан ҳам беллашувларнинг муросасиз бўлиши кўтилмоқда.

С. ДАНИЛОВ.



СУРАТДА: «Университет» баскетболчиларининг учрашувларидан лавҳалар. Р. Зағрадинов фотоси.

Конкурсга таклиф этамиз

Йилнинг энг яхши спортчиси ким?

Бу йилнинг ўзига хос хислати бор. Шу йилда Советлар мамлакатининг шонли юбилейи нишонланади. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи вужудга келгандан буён ўтган 60 йил ичида мамлакатимиз таълим бўлимида даражада ўзгариб кетди. Саноат, фан-техника потенциални ақл бовар қилмайдиган даражада юксалди, маданият, маориф соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимиз жаҳондаги энг етакчи спорт мамлакатига айланди. Москвада ўтказилган Олимпиадада ўйинлари, кейинги йилларда, айниқса бу йил ўтказилган Жаҳон чемпионатлари бунга яққол мисолдир.

Бунинг учун мамлакатимиз мерганлари, сув полочилари, баскетболчиларининг жаҳон биринчилигидаги ёррин галабалари, шахмат Олимпиадасида қўлга киритилган ютуқларини эса олишнинг ўзи ки-фой... Бу галабаларга спортнинг айрим турлари бўйича олдинги маррада бораётган Ўзбекистон спортчилари ҳам муносиб ҳисса қўшишди.

«Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталари спорт бўлимлари авторлар активининг ташаббуси билан Ўзбекистоннинг бу йилги энг яхши спортчисини аниқлаш учун конкурс ўтказишга қарор қилди. Юбилей йилнинг энг яхши спортчиси ким? Ўзбекистонлик спортчилардан ким серкуёш республикамизнинг спорт

шарафини Жаҳон ва Европа чемпионатларида, Бутуниттифоқ биринчиликлари ва Халқаро турнирларда энг яхши ҳимоя қилди? У ахтимо сув полоси бўйича СССР терма командаси составида жаҳон чемпиони бўлган Э. Шагаевдир? Ёки Европа чемпиони ушунинг қўлга киритган, жаҳон рекордини янгилаган енгил атлетикачи С. Ғамасовдир? Эҳтимо велосипедчилар Ш. Зағрадинов ёки А. Панфиловдир? Стол теннис вакили Ф. Булатова ёки сузувчи С. Белоконадир? Мамлакат чемпионатининг энг мерган ҳужумчиси футболчи А. Якубик ёки шашкачи М. Фозиловдир?

Биз спорт журналистлари, физика култура ва спорт мутахассислари, барча газетхонларни конкурсга таклиф этамиз. Ўзбекистоннинг бу йилги энг яхши спортчиси ким? Энг кўп очко тўлаган спортчи СССРнинг 60 йиллиги кунинда «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб эълон қилинади.

Бизнинг адресимиз: 700.000 Тошкент, Ленин кўчаси, 41. «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига. Конвертта «Ўзбекистоннинг энг яхши спортчиси конкурсига», деб ёзиб қўйишни унутманг. Шундай қилиб, хат ва, мулоҳазаларингизни кутамиз, спорт муҳлислари.

КОМАНДА АНИҚЛАНДИ

Тошкентда қилчибозлик бўйича Ўзбекистон Кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақада 75 спортчи қатнашди.

Реприачилар ўртасида «Буревестник» командасининг номиндаги Нина Забудская ва Игорь Риктер голлиб қидилар. Шлагада беллашувда Эльдар Мушевнинг («Зенит», қўли беланд келди, қи-

либозликда эса Сергей Петренко («Буревестник») зўр маҳорат кўрсатди. Мана шу мусобақалар якунлари бўйича республика терма командаси аниқланди. Бу команда 22-26 декабрь кунлари Тбилисда ўтказилган СССР Кубоги мусобақаларида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилди.

БИЛАДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVIII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг учинчи сессияси 1982 йил 13 декабрь соат 15.00да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9 уй). Депутатлар ўша жойини ўзи-

да соат 14.00 да рўйхатга олинадилар. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

«ГОРИЗОНТ—102, 104, 107» телевизорларига 67ЛК1В (65ЛК1В) КИНОСКОПЛАРИНИ ВА «ШИЛЯЛИС-402», «ЭЛЕКТРОНИКА—ВЛ—100», «ЭЛЕКТРОНИКА—407» телевизорларига 16ЛК1В киноскопларини ўрнатиб бориш бўйича

ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бузилган киноскоп барча районлардаги телеаълоқарда алмаштириб берилади.

Оқ-қора тасвирдаги телевизорлар учун 61ЛК1В киноскопларини етказиб бериш чекланганлиги муносабати билан улар фақат абонемент хизматида бўлган телевизорлар учун ўрнатиб берилади.

Абонемент хизмати кўрсатиш юзасидан исталган телеаълоқарда шартнома тузиш ёки радиомеханиканин уйга телефон орқали чақиштириш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 ДЕКАБРЬ — 16 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

«ЦИРКДА АРЧА»

(икки бўлимда)

«САЛОМ, ГУЛЛИВЕРЛАР» ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

ТОМОШАДА МОСКВА ЦИРК АРТИСТЛАРИ ИЖРОСИДА ҚОРВОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАКЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР.

Томошалар соат 10, 13, 16, 19.30да бошланади. Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

КОЛЛЕКТИВ БҮЛИБ КЕЛИШ УЧУН 10 ДЕКАБРГЧА ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Интернатлар, шаҳар хунар-техника билим юрталарига билетлар пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Ўз вақтида берилган заявка билетларини олишни гарантиялайди. Қийноқ жойлардаги коллективлардан берилган заявканилар биринчи навбатда қондирилади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефонлари бўйича саваллар олиш мумкин.



ОҲАНГРАБО КУЙЛАР ЯНГРАЙДИ...

Ҳаётимизни қўшиқсиз, музикасиз тасаввур этиб бўлмаганидек, турмушимизни ҳам чолғу асбобларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Қўлга ГИТАРАНИ ОЛСАК...

Гитара ҳамма вақт ҳам бизнинг сеvimли ҳамроҳимиз бўлган: байрамларда, оилавий зиёфатларда, дам олиш чоғларида жуда ҳам қўл келади. Гитаранинг шундай ажойиб сеҳрли кучи борки, у ҳамма дўстларни гулхан атрофда, дастурхон атрофида жамулжам қилади. Гитара студентлар қўшиқларига ўзига хос колорит ва жозоба бахш этади. Гитарада мафтункор романслар шўх таралади.

Шарқнинг энг қадимий торли музика чолғу асбобларидан бири рубобдир. Унинг ўрта Осий территориясида VIII—XI асрларда пайдо бўлганлиги ҳақида эски манбаларда кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда рубоб овозининг оҳангдорлиги билан ҳар қандай кишининг диққатини жалб этмоқда. Рубоб жўрлигида ўзбек халқининг қадимий ва замонавий қўшиқлари янграмоқда.

Бирорта замонавий музика чолғу ансамбли торли чолғу асбобларисиз ўз маҳоратини намойиш эта олмайди.

БАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК АНСАМБЛЛАРИ ВА КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ҲУРМАТЛИ РАҲБАРЛАРИ!

МАДАНИЙ МОЛЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ МАГАЗИНЛАРДАН ТОРЛИ МУЗИКА ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

- «УЗКУЛЬТОР»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА ҚУЙИДАГИ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ БОР:
- АКУСТИК ГИТАРАЛАР — баҳоси — 20 сўм 30 тийин;
- «АЭЛИТА» ЭЛЕКТРОГИТАРАСИ — баҳоси — 190 сўм;
- ҲУРМАТЛИ САЕҲАТЧИЛАР!
- «БАС» ЭЛЕКТРОГИТАРАСИ — баҳоси — 180 сўм;
- «СОЛО» ЭЛЕКТРОГИТАРАСИ (12 торли) — баҳоси — 240 сўм;
- ҚАШҚАР РУБОВИНИНГ МЕДИАТОРЛАРИ — баҳоси — 29 сўм 30 тийин;
- «ПРИМА» РУБОВИ — баҳоси — 17 сўм 80 тийин.
- «УЗКУЛЬТОР»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

ЎЗ КАСБИНИНГНИ ТОП

Агар киши ўз касбини топса ва меҳнат унга бахт келтирса, унинг ижод манбаи бўлса, ҳар бир касб қизилардир.

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР!

САВДОДА ИШЛАШГА КЕЛИНГ!

АГАР СИЗ САВДОДА ИШЛАШГА КЕЛСАНГИЗ, ҚИЗҚАРИЛИ КАСБГА ЭГА БЉЛАСИЗ

СИЗНИНГ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ БЉЛИШИНГИЗДА

«ШУХРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЕРДАМ БЕРАДИ

Сиз мактаб-мағазинида товаршунослик, экономика, совет савдосини ташкил этиш, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари бўйича билим оласиз. Ишлаб чиқариш таълими раҳбарлари ёрдамида келажакда Сизнинг ишингизга зарур бўладиган меҳнат кўникмасини эгаллайсиз.

Ўқиш муддати — 5 ва 6 ой.

Мактаб-мағазини тугатганларга кичик сотувчи ва контролёр-кассир квалификацияси берилади.

«ШУХРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ, ЎРТА МАЉУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАВЉ ҚИЛИНАДИ

Мағзулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш даври узалтусиз меҳнат стажига ҳисобланади.

МАКТАБ-МАГАЗИНИ ТУГАТГАНЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР

Қирувчилар кўнундаги ҳужжатларини топиришлари шарт: ўрта маълумоти тўрисындаги аттестат, паспорт ёки тугилганлиги тўрисындаги гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, турар жойидан сирава, 6х9 см. ҳажмидаги 2 хона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЉНГ БОШЛАНАДИ

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-қават, 5-уй (пояфзал мағазини ёнида). Телефон 76-39-54. Мактаб-мағазини 3, 20, 29, 34, 54, 70, 75, 79-автобуслар 6, 11, 13-тролейбуслар («Шуҳрат» мактаб-мағазини бекати) билан метрода («Чилонзор станцияси») бориш мумкин.

«ШУХРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/ХИДА Гурун.

МУҚИМИЯ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/ХИДА Тошкентнинг нозанин малинас.

КИНО

6 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЗОРРО» Санъат саройи (19.30, телефон 44-21.74).

«39 ЗИНАПОЙ» — Чайна (буфт соатларда, телефон 77-06-20), Козогистон (куфт соатларда, телефон 35.24-92).

«АНГАЛЗОР ҚИРОЛИ» — Нукус (18.30, 21.00).

«БОЖХОНА» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ЮКСАК ДОВОН» — Лисув номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚАЛБ» — И. Ерматов номли (куфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«МОСКВА КҲЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — С. Раҳимов номли (18, 20.30, телефон 48-46-71).

7 ДЕКАБРДА

ҲУНЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЎЗБЕКИСТОН—32» — Ғ. Ғуллом номли.

«СОҒИЯ ГОЛОВКИНА» — С. Раҳимов номли.

«СЕНИ СЕВАМАН, МЕНИНГ РОССИЯ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«МИЛЛИОНЛАР УНИВЕРСИТЕТИ» Козогистон.

«ТАСОДФИМИ» — Исхра.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЗОРРО» — Санъат саройи

(19.30, телефон 44-21.74).

«39 ЗИНАПОЙ» — Чайна (куфт соатларда, телефон 77-06-20), Козогистон (куфт соатларда, телефон 35.24-92).

«АНГАЛЗОР ҚИРОЛИ» — Нукус (18.30, 21.00).

«БОЖХОНА» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ЮКСАК ДОВОН» — Лисув номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚАЛБ» — И. Ерматов номли (куфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«МОСКВА КҲЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — С. Раҳимов номли (18, 20.30, телефон 48-46-71).

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

Навсий цемент заводи, Жиззах қурилиш материаллари комбинати, Оҳангар «Стройластмасса» комбинати ва «Ўзбекинур» шиллаб чиқариш бирлашмасида шиллаш учун беш бухгалтерлар КЕРАК

Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. — Аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

Минераль суви ва «Пепси-кола» ичимлиги билан савдо қилишга ихтисослаштирилган

«ИСТОЧНИК» ФИРМА МАГАЗИНИ

(Софийска кўчаси, 1-уй, «Галаба» боғи.

қўриқда кўрсатилган ичимликлар билан савдо қилишни

ҚАЙТА ТИКЛАЙДИ



6 ДЕКАБРЬ—ДУШАНБА

Марказий телевидениенин «Восток» программаси

18.00 Мультифильм. 18.15 Финляндия Республикасининг миллий байрами — Мустанқилик эълон қилинган кунга. Финляндия телевидениениннинг программаси. 19.00 «Стадион ҳамма учун». 19.30 СССР ТАШКИЛ ТОПАНЛИГНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА. «ЯГОНА ОЙЛАДА». ЎЗБЕКИСТОН ССР КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЯСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ. ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Ш. Р. РАШИДОВ СЌЗИ. «ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА ВИНАОН...» ҲУЖАТЛИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ. САҲЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ. 21.30 «Время». 22.05 «Хужжатли экран». Стадионда жағнингиз 40 йиллигини. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.

Марказий телевидениенин икинчи программаси

18.30 Янгиланлар. 18.50 «Кишлоқ янгиликлари». 19.50 Самбо кўрали бўйича СССР мултан чемпионати. 20.30 «Тунигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқлар панорама» 21.30 «Время». 22.05 «Тунигиз кўнунинг». Телевизион бадий фильм. 23.05 «Театр ҳақида кинолар».

Ўзбекистон телевидениениннинг программалари

1

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Нима учун филлар». «Он-тин». Мультифильмлар. 18.30 Мантуб ўқувчилари учун. «Жонажон ўли». 19.00 «Ахборот» (рус, ўзб.). 19.30 Москва ССР ТАШКИЛ ТОПАНЛИГНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА. «ЯГОНА ОЙЛАДА». ЎЗБЕКИСТОН ССР КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЯСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ. ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Ш. Р. РАШИДОВ СЌЗИ. «ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА ВИНАОН...» ҲУЖАТЛИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ. САҲЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Вугун оламда нима гап?». Халқаро ахвол кундалиги. 22.20 Телевидение экранда биринчи марта. «Ушкан ва қисса ҳаёт». Бадий фильм («Ўзбекфильм», рус.). 23.45 Янгиланлар.

II

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Ҳамма ёнма-ён». Телефильм. 18.15 Сирдан ўратган студентлар учун. Олий математика. 19.15 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 19.45 «Шимол осмони лосбонлигид». Телефильм. 20.00 Янгиланлар. 20.20 Сирдан ўратган студентлар учун. Назарий механика. 21.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 21.30 МТ II.

7 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенин «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Мультифильмлар. 10.30 «Тунигиз кўнунинг». Телевизион бадий фильм. 11.30 «Ҳалобурч эгалари». 12.15 «Юксак бурч эгалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.40 Янгиланлар. 15.00 Янгиланлар. 15.20 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Ҳужжатли фильмлар: «Дунёвиллар, азот ва оқил муаммоси». «Латин кўнунинг» 16.05 «Қоравен шамаллари». СССР халқ ўнгувчиси А. Г. Қоравен ҳақида телевизион очерк. 16.35 «Саъват ва жағият». 2-кўрсатув. 17.05 А. Хачатурян фортепиано ва оркестр ижроси учун концерт. 17.45 «Шахмат мағзаби». Бошловчилар синфи. 18.15 «Ешлар эфедраси». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Октябрь революцияси олами музика билан юрти («Москва тоғлари» хорининг концерти. 19.50 «Беш Яилки. Ишлар ва одамлар». БАМ. Мансурларга қайтмо. 20.20 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигуралар учин бўйича халқаро турнир. Кўргазмали қишлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионинг Спорт саройинда олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Финляндия кўргазмали қишчининг давоми. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 М. И. Гинкина ижоди ҳақида ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенин икинчи программаси

18.30 Янгиланлар. 18.50 «Закарпатье хороови». Фильм-концерт. 19.20 И. П. Горбунов. Биографияга қизилар. Ҳужжатли фильм. 19.30 «Совет Иттифонига хизмат қилман!» 20.30 «Тунигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Дўстларимиз чехраси». 21.30 «Время». 22.05 «Хаво пилдарлари». Бадий фильм («Ўзбекфильм», рус.).

Ўзбекистон телевидениениннинг программалари

1

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Биз — пионерлармиз». Телефильм. 12.30 Адабиет. Адабиетимизнинг бугунги намолди. 13.00 «Ушкан ва қисса ҳаёт». Бадий фильм («Ўзбекфильм», рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сепингуш — илмур». Мультифильм. 18.10 Мустағабча ёшдаги болалар учун. «Саъ невидан сўз келар» (такоррий). 18.30 «Қолдуча». 19.00 СССР ташиқа тоғанигининг 60 йиллигига. «Қарин чўли янгиланлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод саҳифалари». В. Радулов. Тугилган кўнунинг 60 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 21.05 Ўзбекистон телевидениенин ва радиосининг хизмат кўрсатган хор коллективини ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Вугун оламда нима гап?». Халқаро ахвол кундалиги. 22.00 Эвранда кинокомедия. «Қизлар». 23.50 Янгиланлар.